

ЖАҲОН ТУРИЗМ ТАШКИЛОТИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШ МУҲИМЛИГИ ҚАЙД ЭТИЛДИ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 7 ноябрь куни Жаҳон туризм ташкилоти (ЮНВТО) бош котиби Зураб Пололикашвилини қабул қилди.

Учрашув кун тартибидан мамлакатимиз ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ушбу нуфузли иxtисослаштирилган ҳукуматлараро тузилмаси ўртасидаги амалий ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари ўрин олди.

Ўзбекистон 1993 йилдан буён ЮНВТО аъзоси эканини таъкидлаш зарур. Ўтган даврда тармоқнинг улкан салоҳиятини рўйбга чиқариш ва Ўзбекистоннинг туризм брендини халқроқ микёсда илгари суришга қаратилган муҳим ташаббус ва қўшма дастурлар амалга оширилди. Юртимизда ташкилотнинг Буюк Ипак йўли бўйича минтақавий офиси фаолият юритмоқда.

Кейинги йилларда шериклик сезиларли даражада фаоллашди. Бугунги кунда 2023 йилда Самарқанд шаҳрида ЮНВТО Бош Ассамблеясининг 25-сессиясини ўтказишга биргаликда тайёргарлик кўрилмоқда.

Сўхбатда Зураб Пололикашвили Ўзбекистонда замонавий туризм инфратузилмасини ривожлантириш, жумладан, ташқи ва ички туризм кўрсаткичларининг сифатли ўсишига хизмат қиладиган ишбилармонлик ташаббусларини амалга ошириш учун қулай шароитлар яратишга қаратилган ислохотлар натижаларини юксак баҳолади.

Мамлакатимиз билан ЮНВТО ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш бўйича “Йўл харитаси”ни қабул қилиш, унга Ўзбекистоннинг туризм брендини илгари суриш, самарали ахборот кампанияларини ўтказиш, юқори малакали кадрларни тайёрлаш, бошқа муҳим лойиҳаларни амалга ошириш чора-тадбирларини киритишга келишиб олинди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ТУРКМАНИСТОН ХАЛҚ МАСЛАҲАТИ РАИСИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ ҚИЛДИ

7 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Туркменистон Миллий Кенгаши Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимухамедовнинг телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Ўзбекистон билан Туркменистон ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини янада ривожлантириш ва кенгайтиришнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Сўхбат аввалида давлатимиз раҳбари Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедовга ўзининг самимий саломи ва энг эзгу тилаklarини билдирди.

Ўзбекистон Президентининг жорий йил 20-21 октябрь кунлари Туркменистонга амалга оширилган расмий ташрифи давомидаги олий даражадаги учрашув ва тадбирларнинг самарали натижалари юксак баҳоланди.

Эришилган келишувлар ва имзоланган битимларни, шу жумладан, фаол парламентлараро мулоқотлар ва алмашинувларни давом эттириш орқали амалга ошириш муҳимлиги қайд этилди.

Шу ҳафта охирида Самарқандда ўтказиладиган Туркий давлатлар ташкилоти саммитининг кун тартибидagi масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Ў.А.

ҲУДУДЛАРДА САНОАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРАЛАРИ БЕЛГИЛАНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 7 ноябрь куни маҳаллий саноатни ривожлантириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Мамлакатимизда тадбиркорликка яратилган шароитлар туфайли ҳудудларда кичик ишлаб чиқаришлар кўпаймоқда. Одамлар иш билан таъминланиб, бозорбоп маҳсулотлар тайёрланмоқда. Лекин дунёдаги ҳозирги мураккаб вазият, транспорт-логистикадаги узилишлар бу тармоққа ҳам таъсир қилляпти.

Жорий йилнинг 9 ойида юртимизда саноат 5,3 фоиз ўсган. Лекин 65 та йирик ҳудудий корхонада ишлаб чиқариш қамалиган. Давлат томонидан маблағ ажратилган бўлсада, 118 та саноат зонасига ҳалядача инфратузилма олиб борилмаган. Экспортда “GSP+” имкониятидан етарлича фойдаланилмаган.

Танқидий руҳда ўтган йиғилишда шу каби камчиликлар, соҳадаги долзарб вазифалар муҳокама қилинди.

— Саноат тармоқлари раҳбарлари, ҳокимлар бу қийин шароитда имконият излаши, ички захираларни ишга солиб, тақлиф ва ташаббус кўрсатиши керак. Ҳама масалаларни ўз кучимиз, меҳнатимиз, интилишимиз билан фақат ўзимиз ҳал қиламиз, — деди Шавкат Мирзиёев.

Маиший техника, гилам, мебель ишлаб чиқарувчиларни кафолатли хомашё билан таъминлаш, ҳам қуеватда ишлаётган корхоналарга қўмаклашиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Маълумки, Ўзбекистон ўтган йили Европа Иттифоқининг “GSP+” номи кенгайтирилган преференциялар тизимига қабул қилинган эди. Унинг доирасида 6 минг 200 дан ортиқ маҳсулот турларини Европа бозорига имтиёзли шартларда экспорт қилиш

мумкин. Бунинг учун давлатимиз томонидан транспорт харажатларига 70 фоизгача субсидия ҳам берилмоқда. Лекин тўқимачилик маҳсулотлари экспортининг 6 фоизи, электр техникасининг 3 фоизи, ипак ва озиқ-овқатнинг 1 фоизи Европага сотилляпти, холос.

Давлатимиз раҳбари маҳаллий корхоналарнинг халқроқ сертификат олиб, ташқи бозорга чиқишига қўмаклашиш зарурлигини таъкидлади. Келгуси йилда Европага саноат экспортни ҳажмини 700 миллион долларга етказиш имконияти борлиги айтилди.

Маҳаллий саноатнинг энг катта тармоқларидан бири — тўқимачилик. Сўнгги йилларда юртимиз тадбиркорлари бу йўналишини яхши ўзлаштирди. Шунга қарамай, ҳали ҳам четдан олиб келинаётган маҳсулотлар бор.

Шу боис “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмасига камида 50 турдаги янги маҳсулотларни маҳаллийлаштириш бўйича вазифа қўйилди. Бундай лойиҳалар учун тижорат банкларига 100 миллион доллар, гиламчилик учун 50 миллион доллар маблағ жойлаштирилади. Европа давлатлари, Туркия, Миср, Марокашга газ-лама ва трикотаж мато экспортни учун транспорт харажатларининг 70 фоиз қоплаб берилди.

Умуман, тўқимачилик тармоғини янгича суръатда ривожлантириш, келгуси йилда 5 миллиард долларликдан зиёд экспорт қилиш бўйича дастур қабул қилинади.

Яна бир кенг қамровли йўналиш — қурилиш материаллари ишлаб

чиқариш. Бу тармоқда маҳсулот тури ҳам, иш ўринлари ҳам кўп. Шу боис Президентимиз бундай корхоналарни қўллаб-қувватлашга қаратилган “Саноат ипотекаси” дастурини ишлаб чиқиш ташаббусини билдирди. Бунга биринчи босқинда 50 миллион доллар йўналтирилади, кредитлар 7 йиллик, 2 йил имтиёзли давр билан бериллади.

Нукус шаҳри, Булоқбоши, Қорувулбозор, Фориш, Чуст, Пахтачи, Сарисоё, Ўзбекистон туманларида қурилиш материаллари индустриал зоналари, Ангрен шаҳрида чини идишлар ва сантехника буюмлари кластери ташкил этилиши айтилди.

Бу тармоқда экспортни 1 миллиард долларга етказиш мақсад қилиб қўйилди.

Мебелсозлик бугунги кунда халқ хўнарамдчилиги даражасига кўтарилган. Бухоро, Наманган, Самарқанд, Андижон, Фарғона ва Хоразмда 100 га яқин маҳаллалар шунга иxtисослашган. Президентимиз хўнарамдларга шароитларни кенгайтириш мақсадида бу маҳаллалар атрофида мебель саноати марказлари ташкил қилиш зарурлигини таъкидлади.

Мебелсозлик учун божхона имтиёзлари муддатини 2024 йил 1 январга қадар узайтириш, бу тармоқдаги лойиҳаларни қўпайтириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Заргарликда ҳам имкониятлар жуда кенг. Юртимизнинг ўзида 300 миллион долларлик бозор бор. Бу талабни бемалол маҳаллий заргарлар қондириши мумкин. Шу боис уларни қўллаб-қувватлаш учун 1 де-

кабрдан бошлаб, қатор енгилликлар белгиланди.

Жумладан, олтин ва қумушга кечиктириб тўлаш учун барча банклар ва Экспортни рағбатлантириш агентлиги кафолатлари қабул қилинади. Бу имконият яқка тартибдаги заргарлар учун ҳам бериллади. Заргарлик учун зарур хомашёларни вақтинча олиб кириш ва олиб чиқишда лицензия талаби бекор қилинади, қимматбаҳо ва безак тошлари божхона тўловларидан озод этилади.

Йиғилишда экспортни ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

— Келгуси йилда экспортни қўллаб-қувватлашни кенгайтираамиз. Бундан буён тармоқларга субсидиялар экспорт ҳажмига қараб бериладиган тизим бўлади. Бугунги йиғилиш натижаси бўйича ҳудудий саноатни ривожлантиришга қўшимча 300 миллион доллар ва 350 миллиард сўм маблағ ажратилади. Қўзланган марраларга эришилса, келгуси йилда қўшимча 2 миллиард доллар экспортни таъминлаш мумкин, — деди Президент.

Умуман, келгуси йилда 8 миллиард долларликдан зиёд ҳудудий саноат маҳсулотларини экспорт қилиш чоралари таҳлил қилинди. Ўзбекистоннинг энгилчиларга хориждан замонавий технологиялар ва инвестициялар жалб этиш вазифаси қўйилди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан саноат тармоқлари раҳбарлари, ҳокимлар сўзга чиқди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2022 йил 2 августда қабул қилинган Сенат томонидан 2022 йил 7 октябрда маъқулланган

Ҳозирги вақтда қонунчиликда мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатларини таъминлаш борасида барча чора-тадбирлар назарда тутилган. Хусусий мулкнинг бут сақланишини таъминлаш учун давлат томонидан шарт-шароитлар яратилган. Мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига, «Ер участкаларини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги, «Гаров тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунларида ва бошқа қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддасига мувофиқ мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда мулкдан маҳрум этилиши мумкин. Шу билан бирга Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига мулк ҳуқуқи бекор қилинишига, шу жумладан мулкдорнинг мол-мулкни қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда, жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш чоғида унинг мулк ҳуқуқи бекор қилинишига йўл қўйилиши белгиланган. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига мулкдорнинг ҳуқуқини фақат қонунга асосан бекор қилишни назарда тутувчи ўзгартишлар киритилмоқда.

Бундан ташқари «Ер участкаларини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига асосан «Гаров тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ҳам гаровга қўйовчининг мол-мулки жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилган (ҳақини тўлаб олинган) тақдирда, унинг мулк ҳуқуқи ҳимоя қилинишини таъминлайдиган ўзгартиш киритилмоқда.

Ушбу Қонун мулкдорларнинг ҳуқуқлари ишончли ҳимоя қилинишини ва хусусий мулкнинг бут сақланишини таъминлаш учун қўшимча ҳуқуқий шарт-шароитлар яратди.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ СОҲАСИДА КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ҲАМДА ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида малакали кадрлар тайёрлаш, таълим жараёнини халқроқ стандартларга мослаштириш ва бошқарув тизимини рақамлаштириш, педагогик ва илмий салоҳиятни янада ошириш ҳамда илмий тадқиқот ишлари сифатини тўбдан яхшилаш, илғор хорижий спорт-таълим технологияларининг трансферини амалга ошириш орқали юқори натижаларга эришиш мақсадида:

1. Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети (кейинги ўринларда — Университет) ҳамда унинг филиалларида:

таълим дастурлари халқроқ рейтингда юқори бўлган хорижий олий таълим муассасасининг дастурига кўра **шакллантирилсин**, жаҳондаги етакчи олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда талабаларнинг академик алмашинувини таъминлаш ҳамда таълим олишига кенг шароит яратиш учун **бакалаврият таълим йўналишлари** ва **магистратура мутахассисликлари аккредитациядан** ўтказилсин;

талабаларда спорт маҳоратини доимий равишда юксалтириш ҳамда уларнинг **персонал траек-**

ториялар бўйича **вариатив (ўзгарувчан)** ўқув режалари асосида таълим олишлари учун ўқув жараёни **кредит-модуль тизими** асосида ташкил этилиб, мазкур тизим 2024/2025 ўқув йилига қадар **тўлиқ жорий қилинсин**;

2024/2025 ўқув йилига қадар барча бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари оид **малака талаблари қайта кўриб чиқилсин**, шу жумладан, битирувчи бакалавр ва магистрантларнинг **билими, маҳорати ва педагогик кўникмалари**ни баҳоловчи компетенцияларни сер-

тификатлаш тизими жорий қилинсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, **2023/2024 ўқув йилидан бошлаб** Университет ва унинг филиалларида:

бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари халқроқ стандартлардан келиб чиқиб **макбуллаштирилади** ҳамда **бакалаврият таълим йўналишлари** ва **магистратура мутахассисликлари** 1-иловага мувофиқ **жорий қилинади**;

(Давоми 2-бетда).



ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТУРКИЙ ДУНЁ ВА ЕВРООСИЁ БАРҚАРОРЛИГИДАГИ ЎРНИ

4-саҳифага қаранг.

Тошкент шаҳри,
2022 йил 3 ноябрь

Учрашув

Гендер тенглик:

ХАЛҚАРО ТАЖРИБА, ТАШАББУС ВА САЅЙ-ҲАРАКАТЛАРНИ БИРЛАШТИРИШ БЕҚИЁС АҲАМИЯТГА ЭГА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси, Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссияси раиси Танзила Норбоева Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Аҳолишўнослиги ва ривожланиш бўйича жамғармаси Шарқий Европа ва Марказий Осиё бўйича минтақавий директори Флоренс Бауер билан учрашди.



Мулоқотда Ўзбекистон билан мазкур жамғарма ўртасида репродуктив саломатлик ва ҳуқуқлари мустаҳкамлаш, эркаклар ва аёллар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш, аҳоли динамикаси ва ривожланиш ўртасидаги боғлиқлик, шунингдек, ўсмирлар ва ёшлар билан ишлаш масаласидаги ҳамкорлик йўналишлари муҳокама қилинди.

Т. Норбоева Ўзбекистон БМТнинг гендер тенглигини таъминлаш, репродуктив саломатлик, оналик ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, ёшларни қўллаб-қувватлаш бўйича барча асосий тасвияларини изчил ва босқичма-босқич амалга ошириб келаётганини таъкидлади.

— Бугунги кунда белгиланган вазифаларни таъминлаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирларни самарали рўёбга чиқариш ниҳоятда долзарб. Хусусан, илдиш отган стереотипларни йўқотиш ва жамиятда гендер тенглиги ҳақида тўғри тасаввурни шакл-

лантириш учун барча соҳада изчил иш олиб бориш зарур. Гендер зўравонлик оқибатларини бартараф этишдан кўра унинг олдини олиш механизмларини кучайтириш муҳим. Ушбу жараёнда халқро ҳамкорлар тажрибаси, ташаббуслар ва саъй-ҳаракатларни бирлаштириш, ушбу йўналишдаги кейинги ҳаракатлар учун ягона стратегияни ишлаб чиқиш беқийс аҳамиятга эга, — деди Сенат Раиси.

Ўз навбатида, Ф. Бауер Ўзбекистонда репродуктив саломатлик ва гендер тенглигини таъминлаш, аҳолишўнослик бўйича миллий салоҳиятини ошириш юзасидан ҳамкорликни ривожлантириш борасидаги ишлар жадал давом этаётганини алоҳида таъкидлади.

Мулоқот чоғида, шунингдек, 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга оширишда БМТ жамғармасининг Ўзбекистон билан ҳамкорлиги бўйича ҳам фикр алмашилди.

«Халқ сўзи».

ПАРЛАМЕНТЛАРАРО АЛОҚАЛАРНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

Кенч Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Халқро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси раиси Равшанбек Алимовнинг Польша Республикаси Сейми «Польша — Ўзбекистон» парламентлараро гуруҳи раиси Павел Бейда бошчилигидаги делегация билан учрашуви бўлиб ўтди.

Унда икки томонлама ҳамкорлигининг, шу жумладан, парламентлараро алоқаларнинг айна ҳолати ва истиқболлари муҳокама қилинди. Қайд этилганидек, Польша Ўзбекистоннинг муҳим ҳамкорларидан бўлиб, икки давлат ўртасида яқин дўстона алоқалар ўрнатилган. Мамлакатларимиз қонун чиқарувчи органлари ўртасида ўзаро манфаатли соҳаларда ҳамкорликни янада фаоллаштиришдан икки томон ҳам бирдек манфаатдор.

Польша парламенти аъзолари «ЕИ — Ўзбекистон» ва «ЕИ — Марказий Осиё» ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришдаги ижобий тенденциялар ва янги келишувларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди.

Учрашувда томонлар савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш истиқболларига ҳам тўхталди ва Ўзбекистон ҳудудига Польша компаниялари иштирокида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш юзасидан ўзаро фикр алмашилди. Айна чоғда меҳнат миграцияси бўйича ҳамкорлиги фаоллаштиришга келишиб олинди.

Ўз навбатида, П. Бейда Польша Сейми турли даражадаги икки томонлама келишувларни амалда рўёбга чиқаришга ҳар томонлама қўллаш, қонун ижодкорлиги фаолиятида тажриба ал-

лашиш, мамлакатлар ҳудудлари ўртасида тўғридан-тўғри алоқаларни ривожлантиришга қаратилган делегациялар ўзаро таширфларини ташкил этиш, парламентларо палаталари ўртасидаги дўстлик гуруҳлари ва иттисолаштирилган қўмиталар форматига ўзаро ҳамкорлигини фаоллаштиришдан манфаатдор эканини билдирди.

Музокаралар давомида таълим соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш масалалари ҳам кўриб чиқилди. Ўзбекистон ва Польшанинг етакчи олий ўқув юрталари ўртасида узоқ муддатли алоқалар ўрнатилган бўлиб, уни янада ривожлантириш томонлар манфаатларига мос келади.

Хусусан, ҳозирги пайтда Ўзбекистон Миллий университети Варшава университети, Тошкент давлат аграр университети Варшава кишлоқ ҳўжалиги университети, Тошкент табиётинг академияси Польша табиётинг академияси, Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси эса Варшава банк институтини билан ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Учрашувда эндиликда бу борадаги муносабатларни янада жадаллаштириш ва кенгайтириш ҳар икки томон учун ҳам мақсадга мувофиқлиги таъкидланди.

«Халқ сўзи».



Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси йиғилишида дастлаб «Рақобат тўғрисида»ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, амалдаги қонун 10 йил олдин қабул қилинган бўлиб, бугунги кун талабларига жавоб бермай қўйган. Ҳозирги кунда ушбу йўналишда қўллаб муаммолар бoрлиғи сабабли рақобат муҳитига ўз салбий таъсирини кўрсатмоқда.

Ҳўш, ушбу муаммолар нималарда кўриняпти?

Хусусан, тайёрланаётган қонун ҳужжатларида рақобатга зид ва тадбиркорлигини қийинлаштирувчи нормалар қўйилган. Қонун лойиҳаси ташаббускорларни томонидан 1,1 мингдан ортиқ қонун ҳужжатларининг рақобатга таъсири баҳоланганда уларнинг 65 фоизидан рақобатга зид нормалар аниқланган.

Шунингдек, қонунчиликда табиий монополияларни эътироф этиш ёндашуви эскирган, натижада рақобат муҳити шакллантириши мумкин бўлган товор бозорларидан сунъий равишда табиий монополиялар сакланиб қолмоқда.

Мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши мамлакатда иқтисодий ўсимни таъминлаш, рақобатбардошлиқни ошириш, инвестицияларни, авваламбор, иқтисо-

ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИГА ФРАКЦИЯЛАР ПОЗИЦИЯСИ

Сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияларининг йиғилишлари бўлиб ўтди. Унда мамлакат тараққиётини таъминлашга хизмат қиладиган бир қатор қонун лойиҳалари муҳокамадан ўтказилди.

диётнинг базавий ва таркибий асосини ташкил этувчи соҳаларга жалб қилиш учун қўлай шарт-шароитлар яратиш, иқтисодиётда давлат иштирокини янада қисқартиришга йўл очади.

Депутатлар қонун лойиҳасини муҳокама қилиш чоғида уни янада такомиллаштириш бўйича асосли тақлифларни илгари сурдилар. Узоқ тортишув ва муҳокамалардан сўнг ушбу ҳужжат қўллаб-қувватланди.

Мажлисида бошқа қонун лойиҳалари ҳам кўриб чиқилди. «Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси фракцияси аъзолари «Давлат ветеринария нозорати ҳамда ветеринария соҳасида таълим тизими такомиллаштирилиши муносабати билан «Ветеринария тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини муҳокама қилишди.

Тақлиф этилаётган қонун лойиҳаси ветеринария соҳасида таълим тизимида амалга оширилган ислохотларга қонунчилик ҳужжатларининг мувофиқлаштирилиши таъминланди. Қолаверса, давлат ветеринария нозорати органлари томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятида текширувларни ўтказишда белгиланган тартибга риоя этилишини кафолатлайди.

Қизгин муҳокамалардан сўнг, депутат-

МЕҲНАТ КОДЕКСИ

ҚАНДАЙ МЕЪЁРЛАР БИЛАН ТЎЛДИРИЛДИ?

Хабарингиз бор, жорий йил 28 октябрь куни Президентимиз томонидан «Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қонун имзоланган эди. Айна пайтда сенатор ва депутатлар жойларда бўлиб, аҳоли орасида янги тахрирдаги Меҳнат кодексини қандай

Семинар

Соҳада коррупция хавфини камайтиришда қўл келади

Самарқанд вилоятида Олий Мажлис Сенатининг Ахборот сиёсати ва давлат органларида очиклиги таъминлаш масалалари қўмитаси аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, олимлар ва соҳа мутахассислари иштирокида ўтказилган семинарда янги тахрирдаги Кодекснинг мазмун-моҳияти давлат органлари ва ташкилотлари масъуларига етказилди.

Тадбирда Меҳнат кодекси лойиҳасини ишлаб чиқиш чоғида 10 дан ортиқ халқро ташкилотлар, шу жумладан, Халқро меҳнат ташкилотининг қатор конвенциялари, 60 дан зиёд давлатлар тажрибаси ўрганилгани, Кодекс лойиҳаси Қонунчилик палатасида бир йил давомида чуқур таҳлил этилиб, маромига етказилгани қайд этилди.

Мазкур Кодекс истиқболда кичик бизнес субъектлари ва яқка тартибдаги тадбиркорлик билан шуғулланадиган аҳоли меҳнатини ҳуқуқий тартибга солиш имконини беради. Шу билан бирга, расмий ва норасмий тармоқда мавсумий иш билан банд бўлган аҳолининг меҳнат ҳуқуқларини тартибга солиш жараёнидаги бўшлиқ ва қарама-қаршилиқларни бартараф этади. Қолаверса, меҳнат муносабатларида коррупция хавфини камайтириш, «Ягона миллий меҳнат тизими»ни рақамлаштиришда қўл келади.

Умуман, ушбу ҳужжат соҳадаги қатор муаммоларни меҳнат бозоридagi вазият ҳамда бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиққан ҳолда қонуний ҳал қилишда, ишлаган ишга, иш бeрyвчи эса киритган сармоясига муносиб тарзда эътибор ва рағбатга эга бўлишда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилад.

Ўз навбатида, семинарда сенаторлар, олимлар ва соҳа мутахассислари иштирокчиларнинг Меҳнат кодексидagi янги нормалар юзасидан берган саволларига батафсил жавоб қайтарди.

меъёрлар билан тўлдирилгани, уларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти юзасидан кенг тушунтириш ишларини олиб бoрмoқдa. Нeгaки, мазкур меъёрларнинг тўғридан-тўғри ишлаши, ҳаётда самарали таътиб этилиши айнан меҳнат бозори иштирокчилари, ишчи-ҳодимлар, иш бeрyвчилар, иш изловчилар, ваколатли ташкилот ва идора масъулларига уларнинг моҳияти содда, аниқ ва тўғри тушунтирилишига боғлиқ.

Ҳомиладор аёлларга ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда қўшимча бўш кунлар бeрилади

Янги тахрирдаги Меҳнат кодекси мазмун-моҳияти ва аҳамиятига бағишлаб Тошкент вилоятида ўтказилган семинарда Олий Мажлис Сенати Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси Қўтбиддин Бурҳонов, Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси раиси Малика Қодирхонова, Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари Одилжон Тожиёв, бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири ўринбосари Баҳодир Умўрзоқов, олимлар ва соҳа мутахассислари иштирок этди.

Семинар мазкур ҳужжатдаги янги меъёрлар мазмун-моҳиятини содда, аниқ ва тўғри тушунтиришга йўналтирилгани боис унга давлат органлари ва ташкилотлари масъулари ҳам тақлиф қилинди.

Қайд этилганидек, янги тахрирдаги Меҳнат кодекси ҳажми амалдагисига нисбатан деярли уч баробар катта бўлиб, 600 га яқин моддалардан ташкил топган. Ҳужжатдан бандлик, индивидуал меҳнат муносабатлари, ходим-

ларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, айрим тоифадаги ходимлар меҳнатини тартибга солиш хусусиятлари, ходимларнинг меҳнат ҳуқуқини ҳимоя қилиш, меҳнат низолирини кўриб чиқишни назарда тутувчи янги нормалар ўрин олган.

Тадбирда янгиланган Кодекс истиқболда кичик бизнес субъектлари ва яқка тартибдаги тадбиркорлик билан шуғулланадиган аҳоли меҳнатини ҳуқуқий тартибга солишга имкон бeриши алоҳида таъкидлаб ўтилди.

— Аҳамиятлиси, бундан буён иш бeрyвчи ҳомиладор аёлларга бирламчи табиий-санитария ёрдами муассасаларида антенатал (туғруқхона) парвариллаш (перинатал скрининг) ва ташхис, мажбурий табиий қўриқлар ва бошқа мажбурий табиий муолажалар) учун ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда қўшимча бўш кунлар бeриши шартлиги белгиланмоқда, — дейди Сенатнинг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси раиси Малика Қодирхонова.

Инсон кадрини улуглашга қаратилган ислохотлар

Айна кунларда юртимиз бўйлаб янги тахрирда қабул қилинган Меҳнат кодекси бўйича тарғибот-тушунтириш тадбирлари ташкил этилмоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, ЎзХДП фракцияси раҳбари Улугбек Иноятوف депутатлар, Олий Мажлис Сенати аъзолари, мутасадди вазирилик ва идоралар вакиллари билан бирга Наманган вилоятида Меҳнат кодексининг мазмун-моҳиятини тушунтириш, унинг ижросини таъминлашга бағишланган семинарлар ўтказди.

Тўрақўрғон тумани Маданият марказида бўлиб ўтган семинарда Наманган вилояти ҳокими Шавкат Абдураззоқов ҳам иштирок этди. Тадбирда Меҳнат кодексининг янги тахрирда қабул қилинишининг сабаблари ва аҳамияти ҳақида сўз юритилиб, унга киритилган меъёрлар мазмун-моҳияти хусусида атрофлича тушуноа бeрилди.

Хусусан, янги тахрирдаги Меҳнат кодексига мувофиқ, иш вақти тартибининг турли хил кўринишларидан (сменали иш, мослашув-

чан иш режими, иш кунини қисмларга бўлиш ва ҳоказо), шунингдек, иш вақтини ҳисобга олишининг ҳар хил турларидан фойдаланиш (кун-далик, ҳафталик ёки умумлаштирилган иш вақти ҳисоби) имкониятлари кенгайтирилган.

Шу пайтгача хизмат текширувларини ўтказишнинг аниқ ҳуқуқий асоси ва тартиби бўлмаганлиги оқибатида ходимларнинг меҳнат ҳуқуқлари бузилган ҳолатлар ҳам кўп бўлган. Янги Меҳнат кодексига эса хизмат текширувларини ўтказиш ва ишдан четлаштириш тарти-

би аниқ белгилан қўйилди. Ишлаб чиқаришда ўқитиш, қайта ўқитиш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг ҳуқуқий механизмлари белгиланмоқда. «Ишлаб чиқаришда ўқитиш шартномаси» институтини жорий этилаёт.

Умуман, янги Меҳнат кодексига назарда тутилган меъёрлар «Меҳнат соҳасидаги ислохотлар — инсон қадири учун» деган тамойилни рўёбга чиқаришга хизмат қилиши таъкидланди.

Бундай семинарларда вилоятнинг бошқа туманларида ҳам ўтказилмоқда.

«Халқ сўзи».

9 ойда 6449 та йўл-транспорт ҳодисаси

Маълумотларга кўра, шу йилнинг тўққиз ойида 6 449 та йўл-транспорт ҳодисаси содир этилган, 6 миллион 282 мингдан ортиқ қондабазарликлар юз берган. Афсуски, бу ҳодисаларда 16 ёшгача бўлган 1 114 нафар ёш иштирокчи қўзатилиб, уларнинг 192 нафари ҳаётдан қўз юмган.

Ўрганиш

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ёшлар масалалари бўйича комиссияси йўл ҳаракати хавфсизлиги тизими такомиллаштирилиши юзасидан соҳада амалга оширилаётган ишлар, ёш ҳайдовчиларни ўқитиш тизимини янада такомиллаштириш борасида қилинаётган чора-тадбирларни жойларга чиққан ҳолда ўрганди.

Бунда комиссия аъзолари йўл ҳаракатини тартибга солишга қўллашувчи ҳамда ёш ҳайдовчилар, шунингдек, оммавий техник касблар мутахассисларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш жараёнири билан қизиқди.

Депутатлар йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича фаолият самарадорлигини баҳоловчи асосий кўрсаткичларга алоҳида эътибор қаратдилар. Ушбу соҳада ижобий ўзгаришлар билан бирга мавжуд тизимли муаммолар ва камчиликлар ҳам бoрлиғи аниқланди. Комиссия аъзолари уларни

бартараф этиш бўйича қатор тақлифлар бeришди.

Айна чоғда мактаб ўқувчиларига йўл ҳаракати қоидалари, шу жумладан, велосипед ҳайдаш, йўллардан ўтиш кўникмаларини такомиллаштириш ҳам талаб даражасида эмаслиги, умумтаълим мактабларида йўл ҳаракати ва ёнгин хавфсизлиги, фаёқулoдда вазиятларда ҳаракатланишни ўз ичига қамраб олган фанни жорий этишга етарлиқ эътибор қаратилмаётганлиги таъкидлаб ўтилди.

Ўрганиш якунида депутатлар йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисалари профилактикаси тизимини қайтайтириш бўйича олиб бoрилаётган ишлар кўлемини янада кучайтириш, соҳадаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш, таъсирчан парламент нозоратини олиб бoришни қайд этиб, бу борадаги ҳамкорликда тегишли ишларни амалга оширишга келишиб олдилар.

«Халқ сўзи».



Таҳлил

Ўзбекистон Президенти ҳамиша тadbиркорлар ўртасида тўғридан-тўғри ва



Бундан ташқари, Боку — Тбилиси — Карс темир йўли бўйлаб йўловчи ташишни ҳам ташкил этиш режа-

Хулоса ўрнида айтганда, Ўзбекистонда кўп яхшироки ҳалқимизнинг раҳбарлари қарилган бўлиб, давлатимиз хажмада ташкилотлар доирасида илгари сурилган. Айни ҳолда мамлакатимизнинг ташкилот томонидан Ўзбекистоннинг бутун дунёга лўғатин фазл ташки сиёсатининг яна мумкин. Ҳу наватбида, бу, Марказий мамлакатлар билан конструктив мулоқот қўйилар ҳисобига Ўзбекистонда тироқда б яхши қўшничилик сиёсатининг мантисқ ташкилдангидек, расмий Тошкент ўзига дунё, ҳу Европоси баркаорлигининг ҳисоб дунё, ҳу Европоси баркаорлигининг ҳисоб

Самарқанд
пе,

Умуман олганда, мамлакатимиз Туркий давлатлар ташкилоти доирасида савдо-иқтисодий, транспорт ва коммуникация, туризм, маданий-гуманитар ва илмий тадқиқот йўналишларида, шунингдек, соғлиқни сақлаш соҳасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантиришдан манфаатдор. Ўзбекистоннинг ТДҲ фаолиятидаги иштироки савдо ва инвестицияларни жалб қилиш учун қулай шарт-шароитларни яхшилаш, товарлар, капитал, хизматлар ва технологияларнинг эркин ҳаракатланишини рағбатлантириш бўйича божхона ва транзит тартибларини, молия-банк операцияларини янада соддалаштириш истиско-болларини очиб бериш мумкин.

Туркий давлатлар ташкилоты фаолиятига
тисодий фаровонлигини юксалтиришга
ин мамлакат туб мафсаатларини турлиги
идаги катъий интилишини тасдиқлайди.
илишини Президент Шавкат Мирзиёевнинг
қиллигини таъминлаш йўлида олиб бори-
а амалий қудоси сифатида баҳолашдан
меда кулфи минтақавий муҳит ва ақини
ида Узаро мафсаатли ҳамкорлигини йўлга
дорлик доирасини яратишга қаратилган
ваомидир. Зотан, хорижий экспертлар
фаол ташқи сиёсати билан ҳам туркий
ммас ташқи сиёсати бўлиб улғуди.

Илҳомжон ТҶҲАСИНОВ,
авлат чет тиллар институти ректори,
логика фанлари доктори, профессор.

**Ўзaro муносабатларни
янада мустаҳкамлаш -
мамлакатимиз ташқи сиёсатининг
Ўзгармас устувор йўналиши**

Умуман олганда, икки давлат алоқаларининг юқори даражага кўтарилаётгани, барча соҳалардаги келишувга эришилаётганидан ўзбек ва туркман халқлари бирдек мамнун бўлмоқда. Зеро, барча улутлар ҳамкор, энг аввало, Ўзбекистон ва Туркманистон ишқларининг манфаатлари, фаровон турмушининг таъминлаш учун амалга оширилмоқда.

Мавлуда ХЎЖАЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг
Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси.

Пойтахтимиздаги Тошкент архитектура-қурилиш институтида Ўзбекистон қасаба уюшмалари қуни муносабати билан "Ижтимоий шериклик истиқболлари: кеча ва бугун" мавзӯида семинар ўтказилди.

Сана арасидаса ташкил этилаётган сана шундай анжуманларда эса мазкур йўналишлардаги ишлар сарҳисоби билан бирга, келгусидаги долзарб вазифалар ҳам белгилаб олинати.

Тадбир давомида ходимлар мафлаатларини ҳимоялашда касаб ва уюшмалари билан ижтимоий шериклик асосида иш олиб бораётган ҳамкор ташкилотлар вакилларига ташаккурнома-лар топширилди. Тармоқ тизимидagi корхона-ларда кўп йиллардан буюн меҳнат қилиб ке-лаётган ходимлар ҳамда касаб ва уюшма фаол-лари рағбатлантирилди.

Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА,
Ўзбекистон касаб уюшмалари
Федерацияси Матбуот хизмати раҳбари.

Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15



“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 23.15 Топширилди — 00.10 1 2 3 4 5

Нозлия НОРМУРОВА,
Алишер Навоий номидаги Тошкент
давлат ўзбек тили ва адабиёти
университети проректори,
филология фанлари доктори.

Тарғатчи муҳаррир — З. Худойшукур
 Ташрифхонаси — Ш. Машираббоев.

© 2004 by The McGraw-Hill Companies, Inc.

маҳонаси. Корхона манзили:
илди — 00 10 1 2 3 4 5